

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА  
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ  
ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**34** **Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали  
радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурил-  
маларни олиб ўтиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғри-  
сида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил  
16 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 526-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 октябрдаги ПФ-4475-сон «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 14 сентябрдаги 271-сон «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 436-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1 Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлигининг 1998 йил 29 октябрдаги 01-8/2504, 05/20-889-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни олиб ўтиш тартибига (рўйхат рақами 526, 1998 йил 9 ноябрь) иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат божхона  
қўмитаси раиси**

**З. ДУСАНОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 9 январь,  
01-02/20-2-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

**3 (555)-сон**

**— 25 —**

**34, 36-моддалар**

**Алоқа, ахборотлаштириш ва  
телекоммуникация технологиялари  
давлат қўмитаси раиси**

**Х. МИРЗАХИДОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 9 январь,  
4-мҳ-сон